

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Харид комиссиясининг раиси–Тиббий-
ижтимоий хизматларни ривожлантириш
агентлиги директори ўринбосари



F.X.Исраилов

3-ноябрь 2022 й.

“Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўнғироқларига жавоб бериш”
хизматини кўрсаувчи ташкилот билан шартнома тузиш бўйича харид комиссияси
мажлисининг
БАЁННОМАСИ-3

Тошкент ш.

2022 йил 3 ноябр

Раислик қилувчи:

F.X.Исраилов

Мажлисда иштирок этган комиссия аъзолари:

| | |
|---------------|--|
| X.P.Ўрозметов | Ахборот технологиялари бўлими бошлиғи, раис ўринбосари |
| Х. Даминова | - Юридик бюро бошлиғи, комиссия аъзоси |
| Б.Саттаров | - Юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билин ишлар бўлими бошлиғи, комиссия аъзаси |
| З.Фармонова | - Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бўлими бош мутахассиси, комиссия аъзоси |
| С.Жумаев | - Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими бош мутахассиси, котиб |

КУН ТАРТИБИ:

I. “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўнғироқларига жавоб
бериш” хизматини кўрсаувчи ташкилот билан шартнома тузиш масаласи.

(F.Исраилов, X. Даминова, X.Ўрозметов, Б.Саттаров, З.Фармонова, F.Исраилов)

Мажлисда комиссия аъзоларининг барчаси иштирок этмоқда.

Кворум мавжудлигини инобатга олган ҳолда, комиссия раиси F.Исраилов
томонидан мажлис очиқ деб эълон қилинди ва 2022 йил 1 ноябр куни “Кексалар
ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўнғироқларига жавоб бериш” хизматини
кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича электрон танлов таклифлари
баҳоланиб, баҳолаш натижалари маҳсус-ахборот порталига жойлаштирилган
эди. Электрон тизим автоматик тарзда иштирокчиларнинг нарҳ қисмини
баҳолаб, энг арzon таклиф қилган иштирокчини аниқлаб, электрон протокол
яратилди.

Кун тартибидаги масала бўйича X.Ўрзметов тушунтириш бериб ўтди. 2022-йил 1-ноябр куни яратилган электрон протоколга асосан “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг қўнфироқларига жавоб бериш” хизматини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича электрон танлов ғолиб деб 125 000 000 сўм таклифи билан “CHAMBER BUSINESS SOLUTIONS” UK топилганини маъум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли қонуннинг 62 – моддасида расмийлаштирилган баённома жойлаштирилган кундан бошлаб икки иш кунига муҳокамаг қўйилиши белгианган ва икки иш куни ичida танлаш иштирокчilari томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур 22110012166691-сонли лотда иштирок этмаяпти. Маълумотлар www.stat.uz сахифаси орқали текширилди.

Комиссия аъзолари муҳокамадан сўнг ғолиб деб топилган “CHAMBER BUSINESS SOLUTIONS” UK билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш тўғрисида таклиф киритдилар.

Комиссия раиси таклифларни овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси: «Рози» - 5, «Қарши» -0, «Бетараф» -0.

Мажлис давомида, харид комиссияси томонидан бир овозда куйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Ғолиб деб топилган “CHAMBER BUSINESS SOLUTIONS” UK билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш тўғрисида.

Харид комиссиясининг масъул котиби

С.Жумаев

ШАРТНОМА № 17.
(хизматлар кўрсатиш (шиларни бажарши) тўғрисида)

Тошкент ш.

04.11.2019. й.

«Chamber Business Solutions» УК (кейинги ўринларда – «Ижрочи») номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи корхона директори Кучкарова М.А. бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги номидан **Инаков А.** (Низом, рўйхатга олингандик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **Устав** (кейинги ўринларда – Бюртмачи) иккинчи томондан кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар қўйидагилар ҳақида шартнома (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар

1. Шартнома предмети

- 1.1. Мазкур шартноманинг 1.2. – бандига асосан, Ижрочи “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг қўнғироқларига тезкор жавоб бериш хизмати”ни (кейинги ўринларда «Хизматлар» деб юритилиди) кўрсатиш, Буюртмачи эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. Хизматларнинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари иловага мувофиқ тақдим этилади.
- 1.3. Хизматларни кўрсатиш бўйича Шартноманинг умумий нархи 125 000 000 ҚҚС билан бирга (бир юз йигарма беш миллион) сўмни ташкил этади.

2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Буюртмачининг ҳукуклари:

Ижрочидан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Ижрочидан мазкур шартномага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган Хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш;

Зарур сифатга эга бўлмаган Хизматлар кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган Хизматлар шунга ўхшаш Хизматлар билан алмаштирилишини;
 - Хизматларнинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар Буюртмачи ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарап қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган Хизматларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

Хизматларга мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан пайтдан бошлаб 5 кун мобайнida ҳақ тўлаш.

2.3. Ижрочи қўйидаги ҳукукларга эга:

кўрсатилган Хизматлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Буюртмачидан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган Хизматларни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарап қопланишини Буюртмачидан талаб қилиш.

2.4. Ижрочи қўйидагиларга мажбур:

Буюртмачига Хизматларни мазкур шартномага мувофиқ ёки Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

агар Хизматларни кўрсатиши жараёнида Ижрочи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин бартараф этиш.

3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 15% ҚҚСни ҳисобга олган холда: 04.11.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача 125 000 000 (бир юз йигарма беш миллион) сўмни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган сумманинг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Кўрсатилган Хизматлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган сумманинг 70 фоизи 5 кун муддатда ўтказиб қилинади.

3.3. Кўрсатилган Хизматлар учун пул ўтказиши йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

4. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Кўрсатилган Хизматлар бевосита Бюортмачининг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган Хизматлари миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Мазкур шартномада назарда тутилган Хизматлар етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки Бюортмачининг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Хизматларни кўрсатиш кечикирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда Ижрочи Бюортмачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган Хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва Хизматларни кўрсатиш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган заرارлар копланишидан озод этмайди.

5.2. Кўрсатилган Хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмагандан Буюртмачи Ижрочига муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Томонларнинг келишмовчиликлари ва низолари Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўрилади.

7. Шартноманинг амал қилиши

7.1. Мазкур шартнома Тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўргасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 й.

8. Коррупцияга қарши шартлар

8.1. Мазкур шартлар Тарафлар, уларнинг аффилланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очиқ ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупциявий фаолиятга аралашиб хатарларини минималлаштиришга, шунингдек Тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада саклашга қаратилган.

8.2. Тарафлар мазкур Шартномани бажаришда куйидаги ҳаракатларни амалга оширмасликни таъминлаш мажбуриятини олади:

рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва х.) таъминлаш мақсадида бошқа Тараф ишчиларига, пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва х.;

коррупцияга қарши курашиб тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга хилоф ва ғайрихукуқий бошқа ҳаракатлар.

8.3. Бир Тараф коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонунчиликни бузганды, бошқа Тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жүнаттган ҳолда Шартномани бир томонлама бекор қилиш хуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида Шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиқкан Тараф, Шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келганд ҳақиқий заарни қоплашни талаб қилиш хуқуқига эга.

9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

Ижрочи :

Chamber Business Solutions УК



Тел: (78)150-60-06
Кучкарова Мадина

М.ў.



Буюртмачи :

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги

Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 12А
Банк маълумотлари:
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
СТИР: 306 148 775
МФО: 00014
Банк номи: ЎзР Молия вазирлиги ғазначилиги
Тел: (71) 241-06-70

№ 100010860262777076809344021.

Буюртмачи номидан:



(Сарманов) (Гюндузова) (Фарзанова)

M.ў. M.ў. M.ў.

**Хизматларнинг турлари, нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари бўйича
МАЪЛУМОТ**

| № | Хизматларнинг турлари | Нархи | Муддат |
|----------|--|---|--------------------------|
| 1 | 24/7 кун давомида кирувчи қўнгироқларни қабул қилиш ва тасдикланган шаклда рўйхатдан ўтказиш (аризачининг ф.и.ш., худуди, ногиронлик гурухининг мавжудлиги, телефон рақами, туғулган санаси, мурожаат мазмуни) | | |
| 2 | Аризаларнинг келиб тушушига қараб имо-ишора тили таржимонларини жалб қилиш | | |
| 3 | Қўнгироқлар ёзувини камидаги 2 ой давомида сақлаш | | |
| 4 | Ойлик ҳисботларни тайёрлаш (вилоятлар ва йўналишлар кесимида) | | |
| 5 | Аризачиларга тезкор ёрдам кўрсатиш максадида, улар тўғрисидаги (ф.и.ш., телефон рақам, мурожаат мазмуни) маълумотларни Агентликнинг маслаҳатчиларига юбориш | | |
| 6 | Агентлик маслаҳатчилари томонидан берилган маслаҳатлар сонининг (хафталик) ҳисобини юритиш | | |
| 7 | Ҳар чораклик ҳисботини тақдим этиш (келиб тушган ва қабул қилинган қўнгироқлар сони, битта қўнгироқнинг давомийлиги, смена бўйича қабул қилинган қўнгироқлар) | 125 000 000 сўм <i>(ҚҚСни ҳисобга олган холда)</i> | 04.11.2022 31.12.2022 |
| 8 | Декабрь ойида йиллик ҳисбот тақдим этиш (вилоятлар ва йўналишлар кесимида) -иш тартиби ҳар куни соат 09:00-24:00 | | |
| 9 | Кундизги операторлар (09:00-18:00) сони камидаги 6 та бўлиши ва ҳар куни ишлиши | | |
| 10 | Тунги операторлар сони камидаги 2 та бўлиши | | |
| 11 | Операторларга қўйилган талаблар: 1. аризачиларга маслаҳат бериш имкони бўлиши учун олий/ўрта юридик маълумотга эга бўлиши; 2. 2 та тилни билиши (ўзбек ва русс); 3. Тайёрланган ва стрессга чидамли бўлиши. | | |
| 12 | Имо-ишора тили таржимон хизмати (ҳар куни 09:00-18:00). Бюртмачи томонидан ишлаб чиқилган телеграм бот орқали кар ва соқовларнинг қордирган аризалари бўйича чиқиш қўнгироқларни амалга ошириш | | |